

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ҲОШИМОВ УРАЛ ҲОШИМОВИЧ

**ГАЗНИ УЗАТИШ КОМПРЕССОР СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ҳошимов Урал Ҳошимович

Газни узатиш компрессор станцияларининг энергия самарадорлигини ошириш..... 3

Ҳошимов Урал Ҳошимович

Повышение энергетической эффективности газоперекачивающих компрессорных станций 21

Hoshimov Ural Hoshimovich

Increasing the energy efficiency of gas transmission compressor stations..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ҲОШИМОВ УРАЛ ҲОШИМОВИЧ

**ГАЗНИ УЗАТИШ КОМПРЕССОР СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида В2018.Т1.PhD/Т601 рақами билан рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.energetika.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ишназаров Ойбек Хайрилаевич техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Қаршибаев Асқарбек Илашевич техника фанлари доктори, профессор Бердиев Усан Турдиевич техника фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтида ҳузуридаги DSC.02/30.12.2021.Т.143.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100076, Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий 1-ўтар кўчаси, 9-А. Тел.: (99871) 283-23-08; факс: (99871) 283-23-08; e-mail: energetika_in@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100076, Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий 1-ўтар кўчаси, 9-А.. Тел.: (99871) 283-23-08).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Х.М. Муратов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

К.Ш. Кадиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари
бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим

Ш.В. Хамидов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
техника фанлари доктори, доцент

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энергия самарадорлиги иқтисодий, ижтимоий ва экологик соҳаларда кўплаб ижобий ва барқарор ривожланиш мақсадларга эришиш йўлида энг кучли воситаларидан бири бўлиб келмоқда ва корхоналарнинг энергия самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда «... табиий газга бўлган талаб саноат ва электр энергетикада жуда тез ўсиб бормоқда. Келгуси 5 йил ичида газга бўлган жаҳон талаби йилига ўртача 1,4% ўсиши кутилмоқда ва 2040 йилга 5,4 триллион м³/йилга етиши мумкин»¹. Бу борада, жумладан газни узатиш компрессор станцияларининг иш режимларини оптималлаштириш, ҳаволи совутиш тизимларнинг электр юритмаларини ростлаш, вентиляторнинг энергетик кўрсаткичларини баҳолаш ва моделлаштириш асосида энергия самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ҳаволи совутиш қурилмаларнинг кўрсаткичларига ташқи омиллар ва иш тавсифларнинг таъсирини аниқлаш, газни совутиш жараёнидаги қувват сарфининг математик моделини тузиш, ускуналарнинг энергетик самарадорлиги ва оптимал иш режимини аниқлаш, шамоллаштириш тизимини частотавий ростланадиган электр юритмасини динамик ва статик режимида энергия тежамкор усулларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, ҳаволи совутиш тизимида частотавий ростланадиган асинхрон моторларни гуруҳли бошқариш асосида газнинг ҳароратини мақбул даражада ушлаб туриш, асинхрон моторларни ростлаганда оптимал мезонларни аниқлаш, ростланадиган электр юритманинг статик ва динамик барқарорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланади. Шу билан бирга, технологик жараён хусусиятидан келиб чиқиб, ҳаволи совутиш тизимларнинг частотали ростланадиган электр юритмаларини гуруҳли бошқариш мезони ва усулини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш мақсадида энергия ресурсларининг ишлатилиши самарадорлигини ошириш, янги технологик ечимларни яратиш ва такомиллаштириш ҳамда жорий этишга доир кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш»² бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, газни узатиш компрессор станцияларида ўзгарувчан технологик параметрларга эга ҳаволи совутиш қурилмалари ва

¹<https://www.eriras.ru/files/mirovye-gazovye-gorizonty-do-2040-goda.pdf>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

унинг электр юритмасини частотавий ростлаш асосида ишлаш тартиби мослаштириш, газни ҳаволи совутиш қурилмаларининг энергия самарадор ростланувчи электр юритмаси ва энергия самарадор автоматик бошқариш тизимини ишлаб чиқиш масалаларини ечишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожланириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон ва 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонлари, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422 «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779 «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Газни узатиш компрессор станциясидаги ҳаволи совутиш қурилмалари самарадорлигини ошириш, оптимал иш режимларининг мезонларини аниқлаш, кўп факторли таҳлил асосида электр энергияга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, энергияси ишлатилишининг самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг кўплаб илмий марказларида ва олий таълим муассаларида, жумладан «И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети» Миллий тадқиқотлар университети, «Москва энергетика институти» Миллий тадқиқотлар университети, Самара давлат техника университети, Пенза давлат университети (Россия Федерацияси), Massachusetts Institute of Technology, University of California (Америка Қўшма Штатлари), Technische Universitat Dresden (Германия), Seoul National University (Жанубий Кория), Forschungslaboratorien der Siemens (Германия), Schneider Electric (Франция), ABB Group (Швейцария), «Газпрóm ВНИИГАЗ» МЧЖ (Россия Федерацияси), Шариф номидаги технологик университети, Амир Кабир номидаги технологик университети (Эрон Ислом Республикаси) Тошкент давлат университети ва Энергетика муаммолари институти (Ўзбекистон) ва бошқаларда амалга оширилмоқда

Саноат корхоналарида электр энергияси истеъмолининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаш усул ва моделларини яратиш, мавжудларини

такомиллаштириш каби масалаларни ҳал қилишда бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан D.V.Benn, K.D.Lyuis, S. Makridakis, R.E.Kalman, C.E.Shannon, И.В.Гофман, В.И.Вейц, А.А.Тайц, Б.И.Кудрин, В.К.Олейников, Г.В.Никифоров, Б.П.Белых, Б.И.Заславца, С.С.Новиков, Е.Ю.Сизганова, Л.С.Родина, И.В.Воронов, К.Л.Соломохо, И.М.Кирпичникова, Л.А.Саплин, В.В. Иванов, А.А.Филимонова ва бошқалар.

Саноат корхоналарида энергетик ресурслардан самарали фойдаланиш ва электр энергия истеъмоли режимларини оптималлаштириш, частотавий ростланадиган электр юритмала асосида энергия тежамкор иш режимини ишлаб чиқиш каби илмий муаммоларни ҳал қилишда маҳаллий олимларимиздан Хамудханов М.З., Камалов Т.С., Хашимов А.А., Аллаев Қ.Р., Захидов Р.А., Насиров Т.Х., Ситдиқов Р.А., Арипов Н.М., Хошимов Ф.А., Алимходжаев К.Т., Бобожанов М.К., Хамудханов М.М., Ишназаров О.Х., Каршибаев А.И., Тоиров О.З., Пирматов Н.Б. ва бошқалар томонидан ҳам кўплаб тадқиқотлар ўтказилган ҳамда салмоқли натижаларга эришилган.

Шу билан бирга, газни узатиш компрессор станциясидаги ҳаволи совутиш технологик жараёни хусусиятидан келиб чиқиб, электр энергияси истеъмолига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда модел ишлаб чиқиш, частотавий ростланадиган электр юритма асосида ветриляторларни гуруҳли бошқариш тизимини такомиллаштириш ва бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган илмий муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Энергетика муаммолари институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ПТО-14-05 ««Ўзтрансгаз» АЖ бўлинмалари учун энергетик текширувни (аудитни) ўтказиш» (2014-2015) ва 68/15-2017 ««Ўзтрансгаз» АЖ транзит электр тармоқлари орқали электр энергияни узатишда хизматлари таннархини ҳисоблаш усули» (2017) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Газни узатиш компрессор станциясидаги ҳаволи совутиш қурилмаларининг ростланадиган электр юритма асосида энергия самарадорлигини ошириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳаволи совутиш қурилмаларининг электр энергия истеъмоли таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва электр энергия истеъмоли моделини ишлаб чиқиш;

ҳаволи совутиш қурилмаларининг энергия самарадор частотавий ростланадиган электр юритма тизимини ишлаб чиқиш;

ҳаволи совутиш қурилмаларининг иш режимига таъсир этувчи технологик омиллар асосида частотавий ростланадиган «асинхрон мотор – вентилятор» тизимининг математик моделини ишлаб чиқиш;

энергия самарадор частотавий ростланадиган ҳаволи совутиш қурилмаларининг гуруҳли бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида газни узатиш компрессор

станциясидаги ҳаволи совитиш қурилмалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети газни узатиш компрессор станциясидаги ҳаволи совитиш қурилмаларининг электр энергияси истеъмоли жараёнларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида электр юритма назариясининг замонавий усуллари, электромеханик тизимларини математик моделлаш, математик статистика, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш, ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини ва сиғимини аниқлаш бўйича комбинацияланган усул, ишлаб чиқилган моделларнинг саноат синовлари натижаларини статистик ва аналитик ҳисоблаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳаволи совитиш қурилмаларидаги электр энергия истеъмолининг таъсир этувчи омиллари корреляция-регрессия таҳлили асосида узаро боғлиқлиги исботланиб, математик модели ишлаб чиқилган;

ҳаволи совитиш қурилмаларининг энергия самарадор иш режими частотавий ростланадиган электр юритма асосида ишлаб чиқилган;

частотавий ростланадиган «асинхрон мотор – вентилятор» тизимининг математик модели ҳаволи совитиш қурилмаларининг иш режимига таъсир этувчи технологик омиллар асосида такомиллаштирилган;

ҳаволи совитиш қурилмаларнинг бошқариш алгоритми гуруҳли ростлаш асосида такомиллаштирилиб, «асинхрон мотор – вентилятор» тизимининг таркибий схемаси ишлаб чиқилган;

ҳаволи совитиш қурилмаларнинг иш режимларини ростлаш усули ўзгарувчан ташқи ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, газ босими ва газ ҳароратларини инобатга олиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ҳаволи совитиш қурилмаларининг электр энергияси истеъмоли параметрларини, хусусан электр энергияси истеъмоли ва унинг солиштирма сарф кўрсаткичини ҳисоблаш усули тадқиқот объектида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижалари асосида ишлаб чиқилган;

ҳаволи совитиш қурилмалар ва технологик жараённинг ростланадиган электр юритмага бўладиган талаблари аниқланган;

ҳаволи совитиш қурилмаларни ташқи ҳарорат ва мавсумий кўрсаткичларга мослашиш асосида бошқариш мезони ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижалар ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги, ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали асосланганлиги, шунингдек, назарий ва ҳисобий-экспериментал натижаларнинг мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий амалий аҳамияти совитиш қурилмаларини электр энергия сарфига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда унинг энергия самарадор иш режими ва бошқариш алгоритми ишлаб чиқилганлиги, вентиляторларни ташқи ҳароратнинг даражаси асосида ростлаш диапазони ишлаб чиқилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ҳаволи совитиш қурилмасини частота

ростланадиган электр юритма асосида иссиқлик алмаштиргичдан утувчи газни ҳажми ва массасига мос равишдаги вентиляторлар сони ва тезлигини бошқариш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Газни узатиш компрессор станциясидаги ҳаволи совитиш қурилмаларини ростланадиган электр юритма асосида энергия самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳаволи совитиш қурилмаларни энергия самарадор гуруҳли бошқариш алгоритми «Ўзтрансгаз» АЖ корхонасига жорий қилинган ((«Ўзтрансгаз» АЖ нинг 2020 йил 13 майдаги 04-17/1-41-сон маълумотномаси). Натижада Натижада компрессор станцияларидаги электр энергияда бўладиган исрофларни 5 - 7% камайтириш имконини яратилган;

ҳаво совитиш қурилмаларига гуруҳли частотавий ростлаш усули «Ўзтрансгаз» АЖ корхонасига жорий қилинган («Ўзтрансгаз» АЖ нинг 2020 йил 13 майдаги 04-17/1-41-сон маълумотномаси). Натижада совитиш қурилмалар моторларининг ишлаш муддатини 6% узайтириш имкони яратилган;

ҳаво совитиш қурилмаларининг бошқариш алгоритми «Ўзтрансгаз» АЖ корхонасига жорий қилинган («Ўзтрансгаз» АЖ нинг 2020 йил 13 майдаги 04-17/1-41-сон маълумотномаси). Натижада газни узатиш компрессор станциянинг электр энергияга бўлган истеъмоли камайтириши ҳисобига йилига 255 670 000 (икки юз эллик беш минг оти юз етмиш минг) сўм иқтисодий самарадорликга эришган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотлар натижалари 7 та илмий-техник конференцияларда, жумладан 4 та халқаро ва 3та республика илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган, жумладан 5 та илмий мақола, шундан 3 та республика ва 2 та халқаро илмий журналларда чоп этилган. ЭҲМ учун 1та дастурий маҳсулотга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, туртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 112 саҳифани ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зурурияти, асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Газни узатиш компрессор станциясининг ҳолати ва истиқболлари» номли биринчи бобида жаҳонда ва Ўзбекистонда компрессор станция ва совитиш қурилмаларининг ривожланиш ҳолати ва истиқболлари ҳамда замонавий технологиялардан фойдаланишнинг ривожланиш тенденцияси, шунингдек, дунёда газ узатиш компрессор станциялари ва совитиш қурилмаларини частотавий бошқариш технологияларини жорий этиш истиқболлари ўрганиб чиқилган.

Ўзбекистон магистрал газ қувирлари тизимидаги компрессор станция ҳаво совитиш тизимларининг мавсумий ва кунлик юкланишларга мослашувчанлиги таъминловчи автоматик бошқариш тизимлари фойдаланиш даражаси кўриб чиқилган. Компрессор станция ҳаво совитиш қурилмалар (ҲСК) юкласининг йил давомидаги мавсумий ўзгаришлари таҳлил қилинган.

Республикамиздаги компрессор станциясининг энергетик тавсифи, узатилган газ ва электр энергия сарфи гистограммаси 1-расмда келтирилган.




1 - расм. Газни узатиш компрессор станциясининг энергетик тавсифи

Компрессор станцияларда сиқилган газни совутиш ҲСҚ ларда амалга оширилади. Совутилган газ миқдорини линиядаги барқарорлигини таъминлаш ва қувурларнинг хавфсизлик изоляция ва унинг салоҳиятини ошириш учун танланган қурилмалар сони билан амалга иширилади. Одатда сиқилган газ атмосфера ҳароратидан ўртача 10-12⁰С ҳароратгача пасайтирилиши мумкинлиги аниқланган.


Эксперимент тадқиқотларига мувофиқ, электр энергиясининг энг катта сарфи ҳаво совутиш қурилмалари учун технологик эҳтиёжлар ҳисобига тўғри келади – умумий сарфнинг 65,97%, ва умуман ишлаб чиқариш сарфи 97,56% ни ташкил этади. Ишлаб чиқариш жараёнининг энг кўп энергия сарфлайдиган ускунаси-юк омили 0,58 - 0,83 бўлган газ ҲСҚ моторларидир.

Диссертациянинг «Газни узатиш компрессор станциясининг ҳаволи совутиш ускуналарида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» номли иккинчи бобда ҳаволи совутиш қурилмалари энергия самарадор ишлашида қурилманинг ички техник таъсирлари ва ташқи омиллар таъсирлари таҳлил қилинган.

Газни совутиш қурилмаларининг электр энергия сарфи (2–расм) ва компрессор станцияни орқали узатилган газ миқдори (3–расм) келтирилган.




2–расм. ҲСҚ электр энергия сарфи




3–расм. ҲСҚ йил давомида ўзатган газ миқдори

Иш режимларини танлаш, электр энергиясини истеъмол қилиш моделини яратиш учун газни совутиш жараёнининг кириш ва чиқиш оқимларини таҳлил қилиш керак. Экспериментал тадқиқотлар натижалари, шунингдек адабиёт манбаларини таҳлил қилиш ва саноат эксплуатацияси тажрибаси газни совутиш жараёнида асосий чиқиш параметри (бошқариладиган ўзгарувчи) газ ҳарорати ($T, ^\circ\text{C}$) эканлигини аниқлашга имкон берди. Бу параметр назорат қилинади. Газни совутиш ҳаво совутиш қурилмаларининг ишлаш режимини белгиловчи кириш параметрлари электр энергияси ($W, \text{кВт}\cdot\text{с}$ ва газ босими ($P, \text{Па}$). Бзовта қилувчи параметрлар ташқи ҳарорат ($t, ^\circ\text{C}$) ва ҳавонинг нисбий намлиги $r, \%$. Бундан ташқари, истеъмол қилинадиган электр энергияси миқдорига электр энергиясининг сифат кўрсаткичлари, шунингдек газ босими, нисбий намлик, ҳаво ҳарорати ва газ ҳарорати таъсир қилади. Бунга мувофиқ, 4-расмда газ ҳавосини совутиш қурилмасидаги жараёнларнинг тузилиши кўрсатилган.




4-расм. ХСҚ даги жараёнларнинг ўтилиши

Шунга кўра, 5-расмда истеъмол қилинган электр энергиясини тақсимлаш гистограммаси ва 6-расмда эса истеъмол қилинадиган электр энергиясининг кўлами диаграммаси учун оралиқ диаграмма кўрсатилган.



5-расм. Истеъмол қилинадиган электр энергиясини тақсимлаш гистограммаси




6-расм. Истеъмол қилинадиган электр энергиясининг кўлами диаграммаси

Таъкидланганидек, ҳаво совутиш қурилмаларининг электр энергия сарфи куйидаги ифода билан белгиланади

$$W = f(T, t, r, p). \quad (1)$$

Бундан кўриниб турибдики, бир нечта мустақил ўзгарувчилар электр энергиясининг сарфланишига ҳавони совутиш қурилмалари таъсир қилади. Бунга мувофиқ биз кўп регрессия усулидан фойдаланамиз.

Ушбу омилларнинг газни совутишда ҳаво совутиш мосламасининг қувват сарфига таъсир даражасини баҳолаш учун Паретто диаграммасидан фойдаланилган. Таҳлил натижаларига кўра, ҳавонинг ҳарорати, газ босими, ҳавонинг намлиги ХСҚ электр энергияси сарфига энг кўп таъсир этилиши аниқланган (7-расм).



7-расм. Паретто диаграммаси

Бу диаграммада вариацион таҳлил таъсирларининг баҳолари кийматларнинг абсолют катталиги бўйича жойлаштирилган: энг каттасидан энг кичикгача. Ҳар бир эффе́ктыннг катталиги устун билан ифодаланеди ва устунлар статистик аҳамиятга эга бўлиши учун эффе́кт қандай катталиқда бўлиши кераклигини (яъни устун узунлиги қандай бўлиши кераклигини) кўрсатувчи чизиқ билан кесиб ўтилади. 7-расмдан кўриниб турибдики, электр энергия сарфига газ босими (4,68) энг катта таъсир кўрсатади. Тажриба маълумотлари таҳлили асосида нисбий намликнинг қувват сарфига таъсир қилиш даражаси аҳамиятсиз эканлиги аниқланди(1,25).

Регрессион таҳлил муаммосини ҳал қилишни бир неча босқичларга бўлиш тавсия этилади: олдиндан ишлов бериш; регрессия тенгламалари турини танлаш; регрессия тенгламасининг коэффицентларини ҳисоблаш; қурилган функциянинг кузатув натижаларига мувофиқлигини текшириш. 1 ва 2-жадвалларда электр энергияси сарфига таъсир этувчи омилларнинг регрессион таҳлили келтирилган.

1-жадвал

Кўрсаткичларни баҳолашнинг Сигма чекланишли параметрлаштириш

Эффе́кт	Кўрсаткич	Станд. четл.	t	p	-95.00% Чегар.кўр.	+95.00% Чегар.кўр.	Коэф.	Станд. хатолик	-95.00% Чегар.кўр.	+95.00% Чегар.кўр.
Ушлаш	-24620,3	5091,102	-4,83594	0,000115	-35276,1	-13964,5				
t	19,5	6,099	3,20181	0,004695	6,8	32,3	0,395192	0,123428	0,136855	0,653529
r	11,9	9,604	1,23554	0,231689	-8,2	32,0	0,135790	0,109903	-0,094240	0,365819
p	589,3	125,715	4,68761	0,000160	326,2	852,4	0,385630	0,082266	0,213445	0,557814
T	57,1	21,167	2,69807	0,014248	12,8	101,4	0,400387	0,148397	0,089787	0,710986

2-жадвал

SS бутун модели ва SS қолдиғини синаш

Эрксив ўзгарувчи	Синов кўрсаткичлари										
	Кўплик R	Кўплик R?	Созланган R?	Модель SS	Модель df	Модель MS	қолдик SS	қолдик df	қолдик MS	F	p
W	0,988400	0,976935	0,972079	2195375	4	548843,7	51832,76	19	2728,040	201,1861	0,00

Олинган регрессия тенгламасининг F-мезони 5% даражасида аҳамиятлидир. Нол гипотеза эҳтимоли (p-level) 0,05 дан сезиларли даражада кам, бу регрессия тенгламасининг умумий аҳамиятини кўрсатади.

Шундай қилиб, регрессия таҳлили натижасида ташқи ҳаво ҳарорати t, нисбий намлик r, газ босими p ва газ ҳарорати T функцияси сифатида қуйидаги электр энергияси сарфи тенгламаси олинди

$$W = 19,5t + 11,9r + 589,3p + 57,1T - 24620,3. \quad (2)$$

Олинган чизиқли регрессия тенгламасининг коэффицентлари муҳим деб ҳисобланади. Текширилаётган модел адекват деб баҳоланади. Модел натижасида 95% интервалда ишончли маълумотлар қаторини таърифлайди.

Диссертациянинг «Газ узатиш компрессор станциясидаги ҳаволи совитиш қурилмаларининг иш режимини ростлаш» деб номланган учинчи бобида ҳаво совитиш қурилмасининг вентилятор электр моторининг минимал қувват сарфи мезонига кўра иш режимларини стационар режимда мақбуллаштириш масаласини ечишга функционал йўналтирилган математик моделни қуйида кўришимиз мумкин.


ҲСҚ иссиқлик алмаштиргич қисми бўйлаб газ оқими кириш коллекторига кирувчи газнинг ҳарорати $T_{кир.}$ ни ташкил этади. Иссиқлик алмаштиргич орқали утган газ чиқиш коллектори ҳарорати $T_{чиқ.і}$ га тенг бўлади. Бу кўрсаткичлар паралел ҲСҚ ларининг ҳар бири учун газ оқими тезлиги $Q_{гi}$ ва газ ҳарорати фарқи

$$\Delta T_i = T_{чиқ.і} - T_{кир.} \quad (3)$$

Иссиқлик баланси тенгламасини ҳисобга олиб, ҲСҚ бўйича ҳарорат фарқини қуйидагича ифодалаш мумкин

$$\Delta T = \frac{\Delta T_1 Q_{г1} + \Delta T_2 Q_{г2} + \dots + \Delta T_l Q_{гл}}{Q_г} = \frac{1}{Q_г} \sum_{i=1}^l \Delta T_i Q_{гi} \quad (4)$$

Бунинг натижасида, совитиш жараёнининг схемаси 8-расмда келтирилган.



8-расм. Совитиш жараёни схемаси ҲСҚ

Ҳаво оқимининг тезлиги V_{ij} билан айланиш частотасининг n_{ij} боғлиқлиги тўғридан тўғри бўлганлиги сабабли қуйидаги ифодани келтирамиз

$$P_{ij} = P_{ij \text{ ном}} \left(\frac{n_{ij}}{n_{ij \text{ ном}}} \right)^3 \quad (5)$$

Шу билан бирга айланиш частотаси ва ҳаво оқимлари чегаравий қийматларга эга бўлиб, бу қийматлар қуйида келтирилган

$$0 \leq n_{ij} \leq n_{ij\text{ном}}; 0 \leq V_{ij} \leq V_{ij\text{ном}}. \quad (6)$$

Вентилятор моторнинг умумий қуввати

$$P = \sum_{i=1}^l \sum_{j=1}^m P_{ij}, \quad (7)$$

$$\Delta T = \frac{1}{l} \sum_{i=1}^l \Delta T_i. \quad (8)$$

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ҲСҚ тизимининг стационар ишлаш режимини оптималлаштириш муаммосини мақсад функциясини минималлаштириш муаммоси сифатида шакллантириш мумкин

$$P_{\Sigma} = P_{\text{ном1}} \left(\frac{n_1}{n_{\text{ном1}}} \right)^3 + P_{\text{ном2}} \left(\frac{n_2}{n_{\text{ном2}}} \right)^3 \rightarrow \min. \quad (9)$$

Табиий газни сиқилганлик коэффициентини ўртача қиймати қуйидаги формула билан аниқланади

$$z_{\text{ўр}} = \frac{z_{1H} + z_{2H}}{2}, \quad (10)$$


бу ерда z_{1H} , z_{2H} —марказдан қочма компрессорларини кириш ва чиқишидаги сиқилганлик коэффициентлари. Сиқилганлик коэффициенти табиий газ учун қуйидаги формулалардан топилади

$$z_{1H} = 1 - \left[(10.2 \cdot P_{1H} - 6)(0.345 \cdot 10 - 2 \cdot D_x - 0.446 \cdot 10 - 3) + 0.015 \right] \cdot [1.3 - 0.0144 \cdot (T_{1H} - 283.2)], \quad (11)$$

$$z_{2H} = 1 - \left[(10.2 \cdot P_{2H} - 6)(0.345 \cdot 10 - 2 \cdot D_x - 0.446 \cdot 10 - 3) + 0.015 \right] \cdot [1.3 - 0.0144 \cdot (T_{2H} - 283.2)], \quad (12)$$


бу ерда D_x — парракнинг диаметри; P_{1H} — ҲСҚ киришидаги ҳавонинг босими; P_{2H} — ҲСҚ чиқишидаги ҳавонинг босими; T_{1H} — ҲСҚ кирувчи ҳавонинг ҳарорати; T_{2H} — ҲСҚ чиқувчи ҳавонинг ҳарорати.

9-расмда ҲСҚ Matlab / Simulink тизимидаги модели келтирилган.




9-расм. ҲСҚ тизимининг модели


10 – 14 расмларда ҲСҚ иш режимларини келтирилган, жумладан 10-расмда ҲСҚ тизимини ростлаганда қувватнинг сарфи; 11-расм тизимидаги ҳаво ҳароратининг ўзгариши; 12-расм ҲСҚ тизимидаги ҳаво ҳароратининг ўзгариши; 13-расмда ҲСҚ ишлаб чиқилган босим миқдори ҳамда 14-расмда ҲСҚ нинг моторини тавсифлари келтирилган.



10-расм. ҲСҚ тизимидаги қувват сарфи




11-расм. ҲСҚ тизимидаги ҳаво ҳароратининг ўзгариши



12-расм. ҲСҚ ҳаво оқимининг миқдори



13-расм. ҲСҚ ишлаб чиқилган босим миқдори



14-расм. ҲСҚ нинг моторини тавсифлари

ҲҚС вентилятор моторларининг айланиш тезлигини фойдали иш коэффициентини ва энергия сарфига таъсири қуйидаги 3-жадвалдан кўришимиз мумкин бўлади.

3-жадвал

ҲҚС вентилятор моторларининг айланиш тезлигини фойдали иш коэффициентини ва энергия сарфига таъсири

Айланиш тезлиги	n_H	3050	3069	3099	3139	3198	3218	3238
Ёқилғини сарфи	$Q_{ёқ}$	203	205	207	209	212	215	216
Фойдали иш коэффициенти	k_H	0,95	0,93	0,9	0,86	0,8	0,78	0,76

Натижалар шуни кўрсатдики, частотавий рағлаш ҲСҚ иш режимларини боғлиқликларнинг энг катта оғишлари одатда 7% дан ошмайди, бошқарув объектнинг узатиш коэффициентининг ўртача қиймати эса 1-2 °С ва вақт доимийси $T_0=150$ секунд бўлади.

Диссертациянинг 4-бобида «Газ узатиш компрессор станциясидаги ҳаво совутиш қурилмаларининг энергия самарадор иш режими» ҳаво совутиш қурилмалари энергия самарадорлигини оширишда асосий таъсир этувчи энг катта омил иссиқлик алмашинув жараёни ўрганилган. Иссиқлик алмашиниш жараёнининг математик модели кўриб чиқилган. Совутиш ҳавосининг ҳажм оқимининг ўзгариши ва қурилманинг кириш қисмидаги газ ва ҳаво ҳарорати бўйича объектнинг узатиш функциялари мавжуд.

Газ ҳароратини пасайтириш қувур линиясининг ўтказувчанлигини оширишга ва газ насос қурилмалари ишлаши учун ёнилғи газини тежашга имкон беради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ташилаётган газ ҳароратининг ўртача 3°С га пасайиши совутиш қувур ўтказувчанлигини 1% га оширади.

Узатилаётган газни совитиш жараёни станция ва магистрал газ қувирлари иш самарадорлигини ортишига сабаб бўлади.

Иссиқлик алмаштиргичда содир бўладиган иссиқлик ва масса узатиш жараёнлари нозичли тенгламалар системаси билан тасвирланади

$$\left. \begin{aligned} G_{\Gamma} \cdot \rho_{\Gamma} \cdot C_{\Gamma} \cdot (T_{\text{ч.}\Gamma} - T_{\text{к.}\Gamma}) + m_{\Gamma} \cdot C_{\Gamma} \cdot \frac{dT_{\Gamma}}{dt} + \alpha_{\Gamma} \cdot F_{\text{ич}} \cdot (T_{\Gamma} - T_{\text{тр}}) &= 0 \\ m_{\text{тр}} \cdot C_{\text{тр}} \cdot \frac{dT_{\text{тр}}}{dt} - \alpha_{\Gamma} \cdot F_{\text{ич}} \cdot (T_{\Gamma} - T_{\text{тр}}) + \alpha_{\text{х}} \cdot F_{\text{нар}} \cdot (T_{\text{тр}} - T_{\text{х}}) &= 0 \\ G_{\text{х}} \cdot \rho_{\text{х}} \cdot C_{\text{х}} \cdot (T_{\text{х}} - T_{\text{к.х}}) &= \alpha_{\text{х}} \cdot F_{\text{нар}} \cdot (T_{\text{тр}} - T_{\text{х}}) \end{aligned} \right\} \quad (13)$$


бу ерда G_{Γ} ва $G_{\text{х}}$ -газ ва ҳавонинг оқим тезлиги; ρ_{Γ} ва $\rho_{\text{х}}$ -газ ва ҳавонинг зичлиги; C_{Γ} ва $C_{\text{х}}$ -газ ва ҳавонинг ўзига хос иссиқлик қуввати; m_{Γ} ва $m_{\text{тр}}$ -газ ва қувур массаси; α_{Γ} ва $\alpha_{\text{х}}$ -газ ва ҳаводан иссиқлик алмашинув қувирлари деворига иссиқлик узатиш коэффициенти; $F_{\text{ич}}$ ва $F_{\text{нар}}$ -ички ва ташқи иссиқлик алмашиш юзалари; T_{Γ} ва $T_{\text{х}}$ -газ ва ҳаво совутиш қурилмаларининг чиқишидаги ўртача ҳарорати; $T_{\Gamma, \text{к}}$ ва $T_{\text{х, к}}$ -ҳаво совутиш қурилмаси кириш қисмидаги газ ва ҳаво ҳароратининг ўртача қийматлари; $T_{\text{тр}}$ -иссиқлик алмашинув трубасининг ўртача ҳарорати; t -ишлаш вақти.

Аналитик усул асосида ҲСҚ узатиш функцияси кўйиги кўринишдалиги аниқланди


$$W_y(p) = \frac{0,261}{9,75 \cdot p^2 + 841,679 \cdot p - 1} \quad (14)$$

бу ерда p – Лаплас оператори.

15-расмда ҲСҚ нинг бошқариш структураси келтирилган, 16-расмда эса ҲСҚ лар тизимининг паралел бошқариш тизими берилган.



15-расм. ҲСҚ нинг бошқариш структураси



16-расм. ХСҚ лар тизимининг паралел бошқариш тизими

Тартибга солиш сифатининг яхшиланишига гидрат ҳосил бўлиш бошланишининг ҳарорати ХСҚ даги газ босимининг ўзгаришига қараб ростланиши туфайли эришилади. Шу муносабат билан ХСҚ газининг пастки қаторларидаги иссиқлик алмашиш найчалари ташқи деворининг ҳарорати созланиши керак бўлган ҳарорат оралиғи. Белгиланган ҳароратни бу ораликда сақлаш ХСҚ газ иссиқлик алмашиш найчаларида гидрат ҳосил бўлишининг олдини олишни ва технологик жараён талабларини таъминлайди. Шундай қилиб, табиий газ учун ҳаво совутиш қурилмаларининг оптимал ишлаш режими сақланади.

ХУЛОСА

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси «Газни узатиш компрессор станцияларининг энергия самарадорлигини ошириш» илмий иши натижалари бўйича қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Асинхрон электр юритмали ҳаволи совутиш қурилмасининг энергия самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш асосида, доимий ҳароратни таъминлашнинг энг қулай усули частотавий ростланувчи электр юритма қўлланилиши эканлиги аниқланган.

2. Ҳаволи совутиш қурилмаларининг электр энергия истеъмолига таъсир этувчи омиллар аниқланган ва электр энергия истеъмоли моделини

ишлаб чиқилган. Натижада ҳаволи совитиш қурилмаларидаги электр энергия сарфини аниқлаш имкони яратилган.

3. Ҳаволи совитиш қурилмаларининг энергия самарадор частотавий ростланадиган электр юритма тизими ишлаб чиқилган, натижада энергетик кўрсаткичлари турли частоталарда электр механик тизимнинг энергия самарадорлигини аниқлаш имкони яратилган.

4. Ҳаволи совитиш қурилмаларининг иш режимига таъсир этувчи технологик омиллар асосида частотавий ростланадиган «асинхрон мотор – вентилятор» тизимининг математик модели ишлаб чиқилган. Натижада ҳаволи совитиш қурилмаларининг бошқариладиган таркибий схемасини ишлаб чиқиш имкони яратилган.

5. Частотавий ростланадиган ҳаволи совитиш қурилмаларининг гуруҳли бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган. Натижада «мотор – вентилятор» тизимининг юкламага силлиқ мослашиши асосида моторнинг ишлаш муддатини 6%гача узайтириш имкони яратилган.

6. Ҳаволи совитиш қурилмаларининг иш режимларини ростлаш усули ўзгарувчан ташқи ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, газ босими ва газ ҳароратларини инобатга олиш асосида такомиллаштирилган. Натижада ҳаволи совитиш қурилмаларида электр энергия сарфини 7%гача тежаш имкони яратилган.

7. Ҳаволи совитиш қурилмаларининг гуруҳли частотавий ростлаш усули «Ўзтрансгаз» АЖ корхонасида жорий қилинган. Натижада газни узатиш компрессор станциянинг электр энергияга бўлган истеъмоли камайиши ҳисобига йилига 255 670 000 (икки юз эллик беш минг оти юз етмиш минг) сўм иқтисодий самарадорликга эришган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ПРОБЛЕМ
ЭНЕРГЕТИКИ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ИНСТИТУТ ПРОБЛЕМ ЭНЕРГЕТИКИ**

ХОШИМОВ УРАЛ ХОШИМОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ
ГАЗОПЕРЕКАЧИВАЮЩИХ КОМПРЕССОРНЫХ СТАНЦИЙ**

05.05.01 – Энергетические системы и комплексы

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.T1.PhD/T601.

Диссертация выполнена в Институте проблем энергетики Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.energetika.uz), а также в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Ишназаров Ойбек Хайрилаевич доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Каршибаев Аскарбек Илашевич доктор технических наук, профессор Бердиев Усан Турдиевич кандидат технических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский государственный технический университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSC.02/30.12.2021.T.143.01 при Институте проблем энергетики Академии наук Республики Узбекистан. (Адрес: 100076, г.Ташкент, ул Мухтора Ашрафий 1-проезд, 9-А. Тел.: (99871) 283-23-08; факс: (99871) 283-23-08; e-mail: energetika_in@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института проблем энергетики Академии наук Республики Узбекистан (регистрационный номер ____). (Адрес: 100076, г.Ташкент, ул Мухтора Ашрафий 1-проезд, 9-А. Тел.: (99871) 283-23-08)

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2022 года.
(протокол рассылки № « ____ » от « ____ » _____ 2022 года).

Х.М. Муратов
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

К.Ш. Кадиров
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, доктора
философии (PhD) по техническим наукам, с.н.с.

Ш.В. Хамидов
зам. председателя научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире энергетическая эффективность является одним из самых мощных средств для достижения многих положительных и устойчивых целей развития в экономической, социальной и экологической сферах, и уделяется особое внимание повышению энергоэффективности предприятий. В настоящее время в развитых странах «... спрос на природный газ в промышленности и электроэнергетике очень быстро растет. Ожидается, что в ближайшие 5 лет мировой спрос на газ будет расти в среднем на 1,4% в год и может достичь к 2040 году 5,4 триллион м³/год»¹. В связи с этим особое внимание уделяется повышению энергоэффективности, в том числе на основе оптимизации режимов работы газотранспортных компрессоров, регулировки электроприводов систем воздушного охлаждения, оценки и моделирования энергетических показателей вентилятора.

В мире ведутся научные исследования, направленные на определение влияния внешних факторов и рабочих характеристик на показатели устройств воздушного охлаждения, составления математической модели энергопотребления в процессе охлаждения газа, определения энергоэффективности и оптимального режима работы оборудования, разработки энергоэффективных методов динамического и статического режима электроприводов частотного регулирования системы вентиляции. Исследования в этом направлении считаются актуальными, в том числе, на основе группового управления частотно регулируемые асинхронными двигателями в системе воздушного охлаждения по оптимальному поддержанию температуры газа, определение оптимальных критериев регулирования асинхронных двигателей, определение статической и динамической устойчивости регулируемого электропривода. В то же время из-за особенности технологического процесса, разработка критериев и метода группового управления частотно-регулируемыми электроприводами систем воздушного охлаждения считается одной из актуальных задач.

В нашей Республике в целях снижения себестоимости производимой продукции принимается широкий комплекс мер по повышению эффективности использования энергоресурсов, созданию и совершенствованию новых технологических решений и их внедрению. В стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы, в том числе определены задачи «непрерывного обеспечения экономики электроэнергией и активного внедрения технологии «Зеленой экономики» во всех сферах, повышения энергоэффективности экономики на 20 процентов»². Для реализации этих задач важными являются, в частности проведение исследовательских работ, направленных на управление режимов работ на основе частотного регулирования агрегатов воздушного охлаждения с

¹<https://www.eriras.ru/files/mirovye-gazovye-gorizonty-do-2040-goda.pdf>

²Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022 г. N УП-60 «Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

переменными технологическими параметрами в газотранспортных компрессорах и его электропроводах, решение вопросов энергоэффективной регулируемых электропроводов устройств газоздушного охлаждения и разработка энергоэффективных систем автоматического управления.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «Стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан» и от 28.01.2022 г. № УП-60 «Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП 4422 от 22 августа 2019 года «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии», № ПП-4779 от 10.07.2020 г. «О дополнительных мерах по сокращению зависимости отраслей экономики от топливно-энергетической продукции путем повышения энергоэффективности экономики и задействования имеющихся ресурсов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго- ресурсосбережение».

